

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

# 2022



Nocturne No. 20 in C Sharp Minor, Op. posth  
Frédéric François Chopin



**FRIDERIK SHOPEN**  
(1810-1849)

# NOYABR

# №46



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81  
+998 94 404 00 00

[www.taqiqot.uz](http://www.taqiqot.uz)

[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
3-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-3**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-3**

**ТОШКЕНТ-2022**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 46-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 12 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

#### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

#### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

#### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

#### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

#### **5. Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

#### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

#### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)





**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

**24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

**25. География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР**

<b>1. Маҳмудов Қодирхон Алимович</b> ИМОМ БУХОРИЙ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МУЖТАҲИД ВА ФАҚИҲ БЎЛМАСИН! .....	7
<b>2. Yoriyev Ozodbek Oybek o'g'li, Narkulova Indira Rustam qizi</b> O'ZBEKISTONNING BMT DOIRASIDAGI FAOLIYATI VA TINCHLIKPARVAR TASHQI SIYOSATI.....	10



## ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

### ИМОМ БУХОРИЙ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МУЖТАҲИД ВА ФАҚИХ БЎЛМАСИН!

**Маҳмудов Қодирхон Алимович**

Имом Бухорий халқаро  
илмий-тадқиқот маркази илмий ходими  
Телефон: +998(93) 355 39 75  
qodirxon.ar@mail.ru

**Аннотация:** Ушбу мақолада Имом Бухорийнинг ўз фаолиятида ислом манбаларидан, хусусан ҳадислардан шаръий ҳукмларни олиб фикҳ илми ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда фикҳий қараш ва ижтиҳоди ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Мужтаҳид, ижтиҳод, фақиҳ, фикҳ, киёс, суннат, араб тили, усул, рижол, диroyа, саҳиҳ, ғайри саҳиҳ, мазҳаб.

Мужтаҳид луғатда тиришувчи, саъй-ҳаракат қилувчини билдиради. Яъни бор токат ва имкониятни бирор ишни бажарувчи ёки бирор мақсадга эришувчи киши учун ишлатилади.

Ижтиҳод фикҳий атама сифатида фақиҳ томонидан ижтиҳод даражасида илми бор кишиларнинг мавжуд имкониятни амалий ҳукмларни тафсилий далиллар, яъни асосий манбалардан чиқариб олиш учун ишлатиш ёки шариат ҳукмларини киёс орқали Қуръон ва Суннатдан белгилаб олишни англатади.

Мужтаҳид ва фақиҳ бўлиш учун инсон қуйидаги фанларни ўзлаштирган бўлиши лозим:

Араб тили: сарф илми; яъни сўзларнинг тусланишига оид бўлган илм. Наҳв; сўзларнинг таркиб топиши ва уларнинг тузилишига тааллуқли бўлган илм. Маоний, баён, бадий; сўз ва ибораларни чиройли баён этиш ва уларнинг услубини яхши билиш илми. Луғат: сўзларнинг маъносини ўрганиш илми. Мантик: тўғри фикр юритиш илми. Усул: Аҳкомни қандай қўлга киритиш услубларини ўрганиш илми. Рижол: Ҳадис нақл қилувчи шахсларни ўрганиб чиқиш илми. Қуръон илмлари: Тафсирни яхши билиш. Диroyа илми: Ҳадислар маъносини англаш ва саҳиҳ ҳадисларни ғайри саҳиҳидан ажрата олиш илми.

Бундан ташқари, Қуръон ва суннатда қўлланилган араб халқининг урфий сўзлашув тилини билиш. Ижмоъ ва машҳур фатволарга қарши чиқмаслик учун илгариги мужтаҳидларнинг қарашларини ва фикҳий фатволарини билиш. Аҳли суннанинг ҳадис ва фатволарини таҳлил қила олиш. Аҳкомни қўлга кирита олиш қобилияти пайдо бўлгунга қадар аҳкомни касб этиш учун машқ қилиб тиришиш.

Юқорида зикр қилинган илмларни ўрганиш ва айтиб ўтилган шарт-шароитларга эга бўлиш билангина инсон мужтаҳидлик даражасига эришади.

Ана шундай илмларга эга бўлган, ислом умматида жуда катта илмий мерос қолдирган машҳур муҳаддис, фақиҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ўзининг беназир хизмати билан улкан хизмат кўрсатган. Ҳадисларга ёлғон аралашиб кетган даврда, ўз қатъияти орқали уларни тозалаб ҳадисларни саҳиҳ ҳолатга келишига буюк ҳисса қўшган.

Ўша даврда фикҳ илмининг шаклланиш даври бўлиб, муҳаддисларнинг барчасида ўзларининг ижтиҳоди ва фикҳий қарашлари бўлган. Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Шофиъий, Аҳмад ибн Ҳанбал каби машҳур муҳаддису фақиҳлар ҳадис ривоят қилиш билан бирга кўпроқ фикҳий томонларига эътиборларини қаратган. Имом Бухорий эса фикҳ соҳасига жуда ҳам қатъият билан киришмаган. Шунга қарамадан унинг ўз ижтиҳоди ва фикҳи мавжуд бўлган.

Имом Бухорий фақиҳ бўлиб тафсилий далилларни кенг қўламда Қуръон ва суннатдан ҳосил қилган. Ҳукмларни олишда улардан тўғридан-тўғри фойдаланган. Шунингдек, саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейинги имомларнинг фикрларини ҳам эътиборга олган.

У мутлақ мужтаҳид ва фақиҳ бўлиб, бу борада саҳобалар, тобеинлар фикрлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари устида кенг изланиш олиб борган.



Унинг шундай фақиҳ бўлганига ўз даврининг ва кейинги асрнинг уламо имомлари гувоҳлик беришган. Имом Бухорий қандай қилиб мужтаҳид ва фақиҳ бўлмасин!<sup>1</sup>

Вароқа унинг (Имом Бухорийнинг) бундай деганини эшитибди: “Ҳадис сўзлайдиган бўлсам, саҳиҳни нотўғрисида ажратмасдан ўтирмаганман. Рай аҳли китобларига назар қилганман ва ҳадисни ёзмасдан тарк қилмаганман”.

Яна унинг: “Китоб (Қуръон) ва суннатдан кўра эҳтиёжли нарсани билмайман” деганини эшитдим. Кейин мен унга: “Ўшани билиш мумкинми?” деб сўрадим. У: “Ҳа” деди.

Нуайм ибн Ҳаммод: “Муҳаммад ибн Исмоил бу умматнинг фақиҳи” деган<sup>2</sup>.

Бундор (Муҳаммад ибн Башшор): “У аҳли замонимизнинг фақиҳи” деб айтган. Яна Имом Бухорий Басрага кириб келганида: “Бугун фақиҳлар саййиди кириб келди” деган.

Имом Доримий: “Мен икки Ҳарам, Ҳижоз, Шом ва Ироқ уламоларини кўрдим, уларнинг ичда Муҳаммад ибн Исмоилдан кўра жамловчи роғини кўрмадим. У бизнинг билимдонимиз, фикҳи кучлимиз ва энг талабчанимиз бўлган”<sup>3</sup>.

Абу Мусъаб Аҳмад ибн Абу Бакр Мадиний “Муҳаммад ибн Исмоил бизнинг наздимизда Ибн Ҳанбалдан кўра фақиҳроқ ва идроклироқдир”, деганида унинг ҳузурда ўтирганлардан баъзилари “Чегарадан ошириб юбордингиз”, дея унга эътироз билдирадilar. Шунда Абу Мусъаб: “Агар сиз Моликни кўрган ва у билан Муҳаммад ибн Исмоилнинг юзига қараган бўлганингизда эди, фикҳ ва ҳадис борасида ҳар иккаласи ҳам бирдир, деган бўлар эдингиз”, деб жавоб беради. Ўша замон олимларининг фикрларида Имом Бухорийнинг улуғ мужтаҳид ва фақиҳлик ўрнини жуда кўплаб учратишимиз мумкин. Унинг ижтиҳод ва фикҳдаги аҳамиятини кучдан қолган, ўтиб кетган бир иш каби санаб бўлмайди. Зеро, унинг саҳиҳлиги ва шу пайтгача сақланиб келгани ҳақиқатдир.

Бу ёндашувни кейинги авлод илм кутублари ҳам дарслари ва асарларида тасдиқлаган. XIII аср алломаларидан Имом Нававий (1233-1277) ўзининг Бухорий “Саҳиҳ”ига ёзган шарҳи муқаддимасида Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ”ида келган ижтиҳод ўрни нақадар мустаҳкам илмий услубда эканини ёзган.

Ибн Таймия шундай дейди: “Аммо Бухорий ва Абу Довудларга келсак, икковлари ҳам фикҳ бобида ижтиҳод қиладиган кишилардан бўлган икки имомдирлар”<sup>4</sup>.

XV аср алломаларидан бўлган Ҳофиз ибн Ҳажар Асқалонийнинг (1372-1449) “Фатҳул Борий” муқаддимасида келишича, Бухорий “Саҳиҳ”ини таълифида ўн йил ғарқ бўлган бўлса, уни ўрганиш, муқаддима ва “Фатҳул Борий” шарҳини ёзишга ўн йил шунғиган. Ҳофиз Ибн Ҳажар Бухорийнинг таржимаи ҳолини ёзаётиб, уни фикҳий мазҳаблардан бирига тақлид қилган деб сифатлаган кишиларга жавоб тариқасида: “Чунки ундан келиб чиқадики, Бухорий таржимаи ҳолларда мазҳабга тақлид қилган. Аммо у ҳақида кенг тарқалган машҳур гап шуки, у ҳадислардан фикҳий ҳукмларни чиқариб олган, уларнинг ровийларига таржимаи ҳоллар ёзган, бошқалар идрок қилмайдиган нарсалар сабабли ҳадис соҳасининг моҳирларидан бўлган бир кишидир”, дейди<sup>5</sup>.

Кейинги давр алломаларидан ҳиндистонлик Муҳаммад Анвар Кашмирий (ваф. 1325/1907) унинг дарсларини ўрганган, ижтиҳод ва фикҳи борасида ўз фикрларини билдирган.

Доктор Нуриддин Итр шундай дейди: “Бухорийга келадиган бўлсак, у фикҳ борасида энг кўп шўнғиган ва чуқур кетган бир киши бўлган. Унинг мана бу китоби Қуръон ва суннатдан шариат аҳкомларини чиқариб олиш ва фикҳ борасида ғаввос бўлган мужтаҳид бир имомнинг асаридир. Буни машҳур муҳаддислар ичидан чиққан фақиҳларнинг йўлларига асосласак, мутлақ мужтаҳидликдан кам жойи йўқ. Имом Бухорий ёшлигидан бошлаб Ибн Муборакнинг асарларини ўқиб чиққан. Ибн Муборак эса Абу Ҳанифанинг хос шогирдларидан бири бўлган. Имом Бухорийнинг хабаришига кўра, ўсмирлик палласида ханафийларнинг фикҳини ўрганиб чиққан. Каробисий воситасида Шофиъийнинг фикҳини ўрганган. Шунингдек, Моликнинг шогирдларидан унинг фикҳини ўрганиб чиққан. Ана шу тарзда у ижтиҳод қилиш йўлларидан пухта ва батамом хабардор бўлган. Имом Бухорий ўзининг мана шу ўткир зеҳни ва кучли заковати билан мужтаҳидларнинг йўлини тута олган.

<sup>1</sup> Хусайний Абдулмажид Ҳошим. Ал-Имом ал-Бухорий муҳаддисан ва фақийхан. – Қоҳира. – Б. 174.

<sup>2</sup> Шамсуддин Заҳабий. Сияр аъломин нубало. Ж. 12. – Байрут. Муассасатур рисола, 1985. – Б. 419.

<sup>3</sup> Нававий. Таҳзибул асмо вал луғот. – Байрут. Дорул фикр, 1996. – Б. 87.

<sup>4</sup> Ибн Таймия. Мажмуъул фатово. Ж. 20. – Риёз: Мажмаъул малик Фаҳд, 2004. –Б. 40.

<sup>5</sup> Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳул Борий. – Байрут: Дорул маърифат, 1959. –Б. 82.





Унинг “Ал-Жомиъус саҳиҳ” асари мана шу гапнинг тўғрилигига гувоҳдир. Чунки Имом Бухорий бу асарда далиллардан ҳукмларни чиқариб олган, мазҳаблардан бирортасига тақлид қилмаган ҳолда далилга эргашган. Биз унинг фикри ҳақида олиб борган тадқиқотимиз ичида келган мисоллар унинг мужтаҳидлар мартабасига етган бир мужтаҳид бўлган эканини, айрим мазҳаб вакиллари даъво қилганларидек, қайсидир мазҳабга тақлид қилмаганини кўрсатади”<sup>1</sup>.

Демак, Имом Бухорий ўзи мужтаҳид бўлган ва бу муҳаддиснинг мазҳаблардан бирида бўлган деб хулоса чиқарилиши ҳам ҳақиқатдан узоқдир. Чунки муҳаддис яшаган даврда мазҳаблар тўлиқ мукамал шаклланмаган эди. Ҳар бир буюк муҳаддиснинг ўз ижтиҳод йўллари бўлган, чунки улар ҳадисларнинг даражаларини қай ҳолатда эканини яхши билишган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Хусайний Абдулмажид Ҳошим. Ал-Имом ал-Бухорий муҳаддисан ва фақийҳан. – Қоҳира.
2. Шамсуддин Заҳабий. Сияр аъломин нубало. Ж. 12. – Байрут. Муассасатур рисола, 1985.
3. Нававий. Таҳзибул асмо вал луғот. – Байрут. Дорул фикр, 1996.
4. Ибн Таймия. Мажмуъул фатово. Ж.20. – Риёз: Мажмаъул малик Фаҳд, 2004.
5. Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳул Борий. – Байрут: Дорул маърифат, 1959.
6. Нуриддин Итр. Имом Термизий. – Дамашк. Жомиъту Димашк, 1970.

---

<sup>1</sup> Нуриддин Итр. Имом Термизий. – Дамашк. Жомиъту Димашк, 1970. –Б.391-392.



## O'ZBEKISTONNING BMT DOIRASIDAGI FAOLIYATI VA TINCHLIKPARVAR TASHQI SIYOSATI

**Yoriyev Ozodbek Oybek o'g'li,**  
Jamoat xavfsizligi universiteti 2 bosqich kursanti  
**Narkulova Indira Rustam qizi,**  
Jamoat xavfsizligi universiteti  
“Tillarni o'rganish” kafedrasida katta o'qituvchisi

**Annotatsiya:** ushbu maqolada O'zbekistonning BMT doirasidagi faoliyati va tinchlikparvar tashqi siyosati kabi masalalar yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** BMT, tashqi siyosat, hamkorlik, butunjahon hamjamiyat.

BMT shunday tashkilotki yer yuzida tinchlikni va xavfsizlikni ta'minlash, davlatlarning va millatlarning o'zaro hamkorligini rivojlantirish maqsadida, 1945-yil 24 oktabrda fashizm ustidan g'alaba qozongan mustaqil davlatlarning ixtiyoriy birlashishi asosida tuzilgan xalqaro tashkilotdir. Shuningdek, bir yillik byudjeti 3 mlrd. dollarni tashkil qilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi 1992-yil 2-martda BMTga qabul qilindi va jahon hamjamiyatining teng huquqli a'zosi bo'ldi. 1993-yil 28-sentabrda BMT Bosh Assambleyasining 48-sessiyasida mamlakatimiz 1-prezidenti Islom Karimov ilk bor ma'ruza qilib markaziy Osiyoni yadro qurolidan xolis zona deb e'lon qilish, Orol muammosi bo'yicha BMTning maxsus komissiyasini tuzish kabi bir qator takliflar bilan chiqdi. Buning natijasida 1993-yil oktabr oyida Toshkentda BMTning vakolatxonasi ochildi. Shuningdek O'zbekistonning tashabbusi bilan va BMT rahnomaligida 1995-yil sentabrda markaziy Osiyoda xavfsizlik va hamkorlik masalalariga bag'ishlangan Toshkent kengash-seminari tashkil etildi. Buning natijasida O'zbekiston va BMT o'rtasidagi munosabatlar hozirgi kungacha rivojlanib kelmoqda. Buning yaqqol isboti sifatida 2002-yil oktabr oyida BMTning bosh kotibi Kofe Ananning, 2010-yil aprel oyida Pan Gi Munning O'zbekistonga tashriflari mamlakatimizning xalqaro jamiyatdagi o'rni mustahkamlanib, o'bro-e'tibori ortib borilayotganligini ko'rsatishimiz mumkin. Ayniqsa 2017-yil iyun oyida BMT bosh kotibi Antoniu Guterrish O'zbekistonga tashrif buyirib, Samarqandda Prezident Shavkat Mirziyoyev bilan uchrashishi yuqoridagi fikrlarimizning yaqqol isbotidir. Guterrish o'z tashrifi chog'ida O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti Islom Karimov qabrini ziyorat qilib, keyin Orolboyi hududidagi vaziyat bilan tanishdi. Shuni ta'kidlash jo'izki, O'zbekiston va BMT o'rtasidagi munosabatlarning shu darajada yuksalishida birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning o'rni juda ham katta hisoblanadi. Misol qilib, BMTning har bir sammitida o'zlarining muhim va foydali tashabbuslari bilan chiqqanlarini aytishimiz mumkin. Jumladan; Xavfsizlik Kengashining doimiy a'zolari tarkibiga Germaniya va Yaponiya kiritishni, global va mintaqaviy tahdidlarga munosabat bildirishda tezkorlikni oshirish uchun Bosh Kotib vakolatlarini kengaytirish lozimligi; Xavfsizlik Kengashining terrorizmga qarshi kurash bo'yicha maxsus qo'mitasi ta'sis etilishi; Markaziy Osiyodagi murakkab muammolarni hal etish yo'llarini qidirish kabi tashabbuslarni aytishimiz mumkin. Bugungi kunda bu ishlarning davomchisi sifatida jahon sahnasiga prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev chiqdilar va ilk ma'ruzalaridayoq dolzarb muammolar, tashabbuslar bilan o'z fikrlarini bildirdilar. Unga ko'ra: BMTning Yoshlar huquqlari to'g'risidagi xalqaro konvensiyasini ishlab chiqish va Bosh Assambleyaning “Ma'rifat va diniy bag'rikenglik” deb nomlangan rezolyutsiyani qabul qilish Markaziy osiyoda suv resurslaridan oqilona foydalanish, Orol dengizi qurishi muammosi, Afg'onistonda tinchlikka erishishning ma'rifiy yo'llari masalalari hisoblanadi. Ma'lumot o'rni shuni unutmaslik kerakki I.A Karimovning BMT Bosh Assambleyasidagi ilk ma'ruzasi 1993-yil sentyabrda 48-sessiyasida bo'lgan bo'lsa, Sh.M Mirziyoyevning ilk ma'ruzasi 2017-yil 72-sessiyasida bo'lib o'tdi. Prezidentimiz aynan shu sessiyada qo'shni mamlakatlar bilan yaxshi qo'shnichilik munosabatlarini mustahkamlash masalari bo'yicha nutq so'zlab, Afg'oniston davlati bo'yicha alohida to'xtalib o'tdi. Buning yaqqol misoli sifatida 2017- yil 4-dekabrda ikkala davlat rahbarlarining Toshkentdagi rasmiy uchrashuvlari chog'ida hamkorlikni rivojlantirishga qaratilgan 16 hujjat imzolangani, 2017-yil yanvarda Prezidentimizning Afg'oniston bo'yicha maxsus vakili tayinlagani yoki butunjahon hamjamiyatining nigohini Afg'onistondagi muammolarning yechimini topishga qaratilgan Toshkent konferensiyasining o'kazilganligini ko'rsatishimiz mumkin.



### **O'zbekistonning BMTning bir qator ixtisoslashtirilgan muassasalari bilan aloqasi**

O'zbekiston BMTning bir qator ixtisoslashtirilgan muassasalari bilan, jumladan, Jahon banki, Xalqaro valyuta fondi (XVF), Jahon savdo tashkiloti (JST), BMTning Yevropa bo'yicha iqtisodiy komissiyasi (YeIK), BMT savdo rivojlanish bo'yicha konferensiyasi guruhi kabilari bilan keng ko'lamli hamkorlik aloqalarini yo'lga qo'ydi. Shuningdek O'zbekiston Respublikasi BMT doirasidagi ixtisoslashgan muassasalar-Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti, Xalqaro mehnat tashkiloti, Xalqaro bolalar jamg'armasi (YuNISEF), xalqaro olimpiya qomitasi, Xalqaro avtomobilchilar ittifoqi va boshqa tashkilotlarning

ham a'zosi hisoblanadi. Bugungi kunda kelib BMT ga 193 davlat a'z obo'lib kirgan. 2ta davlatga kuzatuvchi maqomiga ega (Falastin, Vatikan). Hozirda BMTning O'zbekistondagi vakili – Xelena Freyzer; O'zbekistonning BMTdagi doimiy vakili esa Ibragimov Baxtiyor Nematjonovich hisoblanadi.

Demak BMT ning jahondagi o'rni juda katta ekan. Bu tashkilot boshqa tashkilotlarga nisbatan o'ziga tegishli bo'lgan muammolarga maksimal darajada yondashadi. Shuningdek bu muammolarni yechimini o'sha joylarga borib, aniqlik kiritib, hal qilib kelmoqda. Buning yaqqol misoli sifatida BMT kotiblari Pangi Mun, Kofe Anan, Antoniu Guterrish O'zbekistonga tashriflarini aytishimiz mumkin. Bu voqealarning e'tiborli jihati shundaki, bularning hammasi O'zbekistonning xalqaro hamjamiyatdagi o'rni mustahkamlanib, obro'-e'tibori ortib borayotganining yaqqol dalilidir.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Наркулова, И.Р. Конституция — ключ будущих начинаний / И. Р. Наркулова, Г. М. Утенбаева, А. К. Наркулов. — Текст : непосредственный // Актуальные вопросы юридических наук : материалы XX Междунар. науч. конф. (г. Казань, июль 2022 г.). — Казань : Молодой ученый, 2022. — С. 7-12. — URL: <https://moluch.ru/conf/law/archive/456/17339/> (дата обращения: 07.11.2022).

2. Турамурадov Равонбек Абдуниёз угли., & Наркулова Индира Рустам кизи,. (2022, May 19). РОЛЬ РУССКОГО ЯЗЫКА В ПРОФЕССИИ ВОЕННОГО ПСИХОЛОГА. "INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE", Belarus, Minsk. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6563881>.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 3-ҚИСМ

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусахҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2022

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000